

Бақара сураси, 108-оят

08:20 / 04.11.2017 4164

Ёки Расулингиздан, бундан аввал Мусодан сўралганидек, савол сўрамоқчимисиз?! Ким иймонни куфрга алмаштирса, батаҳқиқ, тўғри йўлдан адашибди. Бақара 108.

Маълумки, яҳудийлар билиб туриб, қасддан турли саволларни беришар эди. Пайғамбарлари Мусо алайҳиссаломдан бўлган-бўлмаган нарсаларни ҳам, чегарадан чиққан саволларни ҳам сўрайверар эдилар. Улар «Аллоҳни кўрсат», «Осмондан фалон таомни тушир», «Сигирнинг қанақасини сўямиз?» каби саволларни кўп беришган эди. Ўтган оятларда ўша саволлари охири бориб ўзларининг бошларига етганининг хабари ила танишиб ўтдик.

Аллоҳ таоло мусулмонларни ана шу яҳудийларга ўхшаб ғаразли саволлар беришдан қайтармоқда:

«Ёки Расулингиздан, бундан аввал Мусодан сўралганидек, савол сўрамоқчимисиз?!» демоқда. У Зот бу билан Бану Исроил Мусо алайҳиссаломдан сўраган нарсаларга ўхшаш нарсаларни Набий алайҳиссаломдан сўрашнинг ёмонлигини баён қиляпти. Айни вақтда Аллоҳ таоло бу ишни «иймонни куфрга алмаштириш» деб атаяпти:

«Ким иймонни куфрга алмаштирса, батаҳқиқ, тўғри йўлдан адашибди».

Ушбу маънони қувватлаб келган ҳадисларнинг бирида Набий алайҳиссаломнинг «деди-деди» гаплардан, молу дунёни зое қилишдан ва кўп савол беришдан қайтарганлари айтилади.

Ушбу кўрсатмаларга саҳобаи киромлар жуда қойиллатиб амал қилганлар.

Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳу:

«Баъзи нарсаларни Расули Акрам алайҳиссаломдан сўрай олмай, йил ўтиб кетарди. Аъробийлар келиб, сўраб қолса эди, деб турар эдик», – дейдилар.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу:

«Муҳаммад алайҳиссаломнинг саҳобаларидан яхшироқ қавми кўрмадим, у кишидан фақат ўн иккита савол сўрашган, барчаси Қуръонда келган...» – деганлар.

Кўп саволнинг оқибати нима бўлишини аввал ўтган оятларда, Бану Исроил тажрибасида кўрдик. Ушбу оятда эса бу иш «иймонни куфрга алмаштириш» деб баҳоланди. Савол бериб-бериб, Бану Исроилнинг эришган натижаси шу бўлди. Энди улар ифво қилиб, гап ўргатиб, мўмин-мусулмонларнинг ҳам ўзларига ўхшашларини хоҳлашлари ҳақида сўз кетади.